

## А Ж Р И М

2025 йил 7 май куни жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Б.Эргашев, судья ёрдамчиси М.Исмоналиевнинг котиблигида, тарафлардан туман прокурори катта ёрдамчиси Ҳ.Рахматиллаев, ҳимоячилар “Ҳуқуқий хизмат” адвокатлик фирмаси адвокати С.Хожиев ва “Talab Aleadala” адвокатлик бюросининг адвокати А.Хикматиллаевнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 1-қисми билан айбланганлар

Қодиров Охунжон Олимович, 1971 йил 25 мартда Олтиариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, мукаддам:

1. Жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг 2007 йил 16 июлдаги ҳукмига кўра, ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган;

2. Жиноят ишлари бўйича Данғара туман судининг 2010 йил 24 сентябрдаги ажримига кўра, ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан тугатилган;

3. Жиноят ишлари бўйича Қўштепа туман судининг 2014 йил 11 февралдаги ажримига кўра, ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан тугатилган;

4. Жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг 2014 йил 28 ноябрдаги ажримига кўра, ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан юритилган жиноят иши 2014 йил 14 ноябрдаги амнистия актига асосан тугатилган, судланганлик ҳолати тугалланган, ишламайди, Олтиариқ тумани, “Навоий” маҳалла фуқаролар йиғини, Навоий кўчаси, 19<sup>а</sup>-уй, 1-хонадонда яшовчи, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 15 апрелда олган,

Турсунов Абдулатиб Хусанович, 1956 йил 1 январда Олтиариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, беш нафар фарзанди бор, судланмаган, нафақада, Олтиариқ тумани, “Навоий” маҳалла фуқаролар йиғини, Навоий кўчаси, 19<sup>а</sup>-уй, 23-хонадонда яшовчи, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 15 апрелда олганларга



оид 1-1514-2501/135-сонли жиноят ишени кўриб чиқди.

Суд, судланувчиларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши хужжатлари билан кўриб чиқиб, тарафларнинг фикрларини тинглаб, қуйидагиларни

#### А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчилар О.Қодиров ва А.Турсунов 2025 йил 9 март куни соат 11 ларда Олтиариқ тумани, “Навоий” маҳалла фуқаролар йиғини, Навоий кўчаси, 19<sup>а</sup> уй ёнида гаплашиб туриб, ўзаро келишолмасдан жанжаллашиб, бир-бирларини қасдан уриб, енгил шикаст етказганликда айбланган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2025 йил 17 мартдаги 1232-сонли хулосасига кўра, О.Қодировда бош мия чайқалиши, чап ёноқ соҳасини юмшоқ тўқималарини лат ейиши, юқори ва пастки лаб шиллик қаватларини юзаки лат еган яралари, чап қўл кафт устини қонталашиб бўлиб, бу тан жароҳатлари олти кундан кўп, йигирма бир кундан кам бўлган муддатга соғлиғини бузилишига сабабчи бўлган енгил;

22 мартдаги 1239-сонли хулосасига кўра, А.Турсуновда ёпиқ калла мия жароҳати, бош мия чайқалиши, пешона, ўнг кўз қовоқлари ва юз ўнг томони соҳаларини юмшоқ тўқималарини лат ейиши, тери ости гемотомалар, ўнг билак соҳасида тирналмалар бўлиб, бу тан жароҳатлари олти кундан ортиқ, йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга соғлиғини бузилишига сабабчи бўлган енгил шикастлар тоифасига киришлиги аниқланган.

Судда судланувчи О.Қодиров ўз айбига иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонлиги, А.Турсуновга нисбатан даъвоси йўқлиги, у билан ихтиёрий ярашиб олганлиги, ярашув аризасини ўз хоҳиши билан ёзганлиги, бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги сабабли ишни ярашув асосида тугатишни сўради.

Судда судланувчи А.Турсунов ўз айбига иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонлиги, О.Қодировга нисбатан даъвоси йўқлиги, у билан ихтиёрий ярашиб олганлиги, ярашув аризасини ўз хоҳиши билан ёзганлиги, бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги сабабли ишни ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида, ушбу кодекс 109-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги;

ЖПК 84-моддасининг 4-қисмида, жабрланувчи ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб тугатилиши мумкинлиги белгиланган.



Суд, судланувчилар О.Қодиров ва А.Турсуновнинг ўз айбларига икромлиги, қилмишларидан пушаймонлиги, етказилган зарарларни бартараф этганлиги, бир-бирларига нисбатан даъволари йўқлиги, ярашиш тўғрисидаги аризалар ихтиёрий равишда берилганлиги, тарафларнинг ярашувга розиликларини инобатга олиб, уларни ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод этиб, жиноят ишини ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан айблилиқ тўғрисидаги масалани ҳал қилмасдан туриб тугатишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисми, 582-583, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Қодиров Охунжон Олимович Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод этилсин ва жиноят иши иш юритишдан тугатилсин.

О.Қодировга қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Турсунов Абдулатиб Хусанович Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод этилсин ва жиноят иши иш юритишдан тугатилсин.

А.Турсуновга қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган, судланувчилар ажримнинг нусхасини олган кундан бошлаб, ўн кунлик муддатда шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест беришлари мумкин.

Раислик қилувчи: /имзо/

Ажрим нусхаси аслига тўғри,  
туман судининг раиси

Б.Эргашев

